

**ТИБИЁТДА ҚҮЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА**  
**УРОЛЕСАН®**  
**(UROLESAN)**

**Перпаратни савдо номи:** Уролесан® (Urolesan)

**Дори шакли:** орал томчилар

**Таркиби:**

1 мл препарат қуидагиларни сақлайди:

*фоал моддалар:* қарағай мойи oleum Abies – 67,60 мг, қалампир ялпиз мойи oleum Menthae piperitae - 16,90 мг, ёввойи сабзи меваларининг суюқ экстракти (1:1) extractum fructuum Dauci sativi fluidum (экстрагент 96% этанол), флавоноидларнинг умумий миқдори 0,03% кам бўлмага холда гиперозид хисобида -194,35 мг; күмлоқ қуббаларининг суюқ экстракти (1:1) extractum fructuum Strobili lupuli fluidum (экстрагент 96% этанол), флавоноидларнинг умумий миқдори 0,05% кам бўлмага холда гиперозид хисобида -278,80 мг; тоғрайхон ўсимлигининг суюқ экстракти (1:1) extractum herbae Origani fluidum (экстрагент 96% этанол), флавоноидларнинг умумий миқдори 0,03% кам бўлмага холда гиперозид хисобида -192,95 мг;

*ёрдамчи моддалар:* динатрий эдетати; канакунжут мойи.

**Таърифи:** қўкимтир-жигаррангдан то жигаррангача бўлган, ўзига хос ялпиз хидли суюқлик.

**Фармакотерапевтик гурухи:** Урологияда қўлланадиган восита.

**АТХ коди:** G04BX.

**Фармакологик хусусиятлари**

Келиб чиқиши ўсимлик бўлган мажмуавий препарат. Уролесан® препаратини таркибига кирувчи моддалар сийдик чиқариш йўллари ва буйракларда яллиғланиш кўринишларини камайтиради, буйрак ва жигарда қон айланишини кучайишига ёрдам беради, диуретик, антибактериал, сафро ҳайдовчи таъсир кўрсатади, сийдикда коллоид ҳимоя ҳосил қиласди ва юқори сийдик йўллари ва ўт пуфаги силлиқ мушакларининг тонусини нормаллаштиради.

Уролесан® мочевина ва хлоридлар чиқарилишини оширади, сийдик пуфаги ва буйракдан майда конкрементлар ва қумларни чиқарилишини осонлаштиради.

Препарат яхши сўрилади, унинг таъсири 20-30 минутдан кейин бошланади ва 4-5 соат давом этади. Максимал самараси 1-2 соат ўтгач амалга ошади. Овқат ҳазм қилиш йўллари ва буйраклар орқали чиқарилади.

**Қўлланилиши**

Ўткир ва сурункали сийдик чиқариш йўллари ва буйрак инфекциялари (цистит и пиелонефритлар); сийдик-тош касаллиги ва сийдик кислотали диатез (конкрементларни олиб ташлагандан кейин уларни ҳосил бўлишини олдини олиш); сурункали холецистит (шу жумладан калькулёз), ўт йўлларини дискинезияси, ўт-тош касаллигига қўлланади.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Препарат ичга, овқатдан олдин қабул қилинади.

*Камталар учун тавсия этиладиган дозалари:* 8-10 томчидан ( қандга, қандли диабети бўлган пациентлар учун-нонга) суткада 3 марта. Буйрак ва жигар санчиқлари пайдо бўлганда бир марталик доза 15-20 томчини ташкил қиласди. Даволаш курси давомийлиги 5

кундан 7 кунгача, сурункали ҳолатларда – 7 кундан 1 ойгачани ташкил этади.

7-14 ёшли болалар учун тавсия этиладиган дозалари: 5-6 томчидан ( қандга, қандли диабети бўлган пациентлар учун-нонга) суткада 3 марта.

Бир марталик дозани, қабул қилиш дозаси ва давомийлигини шифокор шахсий белгилайди.

**Болалар.** Зарур холларда 7 ёшгача бўлган болаларга Уролесан® сиропи қўллаш тавсия этилади.

### **Ножўя реакциялари**

Одатда Уролесан® яхши ўзлаштирилади. Препаратни қабул қилганда:

- *овқат ҳазм қилиш йўллари томонидан:* диспептик кўринишлар (жумладан кўнгил айниши, қусиши, диарея, коринда оғрик);
- *иммун тизими томонидан:* аллергик реакциялар, жумладан қичишишни ҳис қилиш, юзни қизариши, тери тошмаси, эшакеми, ангионевротк шиш (оғизда ачишиш ҳисси, нафасни қийинлашиши, юзни, тилни шишлари), анафилактик шок;
- *марказий ва периферик нерв тизими томонидан:* бош айланиши, умумий ҳолсизлик, бош оғриғи, атаксия, мушаклар трекори;
- *юрак-қон томир тизими томонидан:* артериал гипертензия, гипотензия, брадикардия кузатилиши мумкин.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик;
- гастрит, меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг яра касаллиги;
- анамнезида тиришишлари бўлган болалар (фибрил ёки фибрисиз)да қўллаш мумкин эмас.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Ўрганилмаган.

### **Махсус кўрсатмалар**

Агар конкретментларни ўлчами 3 мм дан юқори бўлса, препаратни қўллаш мумкин эмас. Бронхоспазм пайдо бўлиш хавфи туфайли бронхиал астмаси бўлган беморлар эҳтиёткорлик билан қабул қилсин.

*Ҳомиладорлик ёки эмизии даврида қўлланиши.* Ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида препаратни қўлланилиши ўрганилмаган.

*Автомобилни ёки бошқа механизмларни бошқаршида реакция тезлигига таъсир хусусияти.* Ўрганилмаган.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Доза ошириб юборилганда кўнгил айниши, қусиши, коринда оғрик, бош айланиши кузатилиши мумкин.

*Даволаи:* жуда кўп илиқ ичимлик, тинчлик, фоаллаштирилган кўмир, атропин сульфат (0,0005- 0,001 г) буюриш керак..

### **Чиқарилиш шакли**

25 мл дан флакон- томизгичда, 1 флакон – томизгич қутида; 25 мл дан флакон-томизгичда, томизгич- тиқин билан ёпилган, биринчи очиш назоратли қопқоқча билан ёпилган.

### **Сақлаш шароити**

Оригинал ўрамда 25 °C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач ишлатилмасин.

### **Яроқлилик муддати**

3 йил

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили**

«Галичфарм» ЖАЖ, Украина, 79024, Львов ш., Опрышковская кўчаси, 6/8.

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:**

Ўзбекистон Республикасида “Артериум” Корпорациясини ваколатхонаси, Ташкент ш., 100000, Мустакиллик кўчаси, 59-уй.

тел.: +99871 237 51 53

факс: +99871 237 51 54

e-mail: *Tashkent@arterium.ua*